

Уламолар ҳадяларни ҳақдорларга етказдилар



19:41 / 09.07.2021 1532

Жорий йилнинг 9 июль куни Дин ишлари бўйича қўмита масжидлар бўлими мудирини Муҳиддин Ҳақимов ҳамда Тошкент шаҳридаги «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби Исмоилжон домла Муҳаммад Содиқ жума намозида Юқори Чирчиқ туманидаги «Абу Ҳанифа» масжидига ташриф буюриб, маъруза қилиб бердилар.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Жума намоздан сўнг масжид атрофидаги маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳадялар топширилди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown





Шунингдек, Ислом цивилизация маркази ходими Аброр Мухтор Али домла ва Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек домла Раупов Паркент тумани «Беш қапа» жоме масжидига, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси маслаҳатчиси Салоҳиддин домла Шарипов Паркент тумани «Сирли» жоме масжидига, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Иброҳимжон домла Иномов шу туманидаги «Бойқозон» жоме масжидига, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон қори Ишматбеков Юқори Чирчиқ туманидаги «Саксон ота», Тошкент шаҳридаги «Ҳазрати Имом» жоме масжиди имом-хатиби Ҳабибуллоҳ домла Абдураззоқов «Миям Қангли» жоме масжидларига, пойтахтдаги «Ат-Термизий» жоме масжиди имом-хатиби Исҳоқжон домла Бегматов Паркент туманидаги «Кунгай» жоме масжидига, Тошкент шаҳар

бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор домла Юнусов «Убай ибн Каъб» жоме масжидларига ташриф буюриб, мавъизалар қилиб, жума намозини ўқиб бердилар.

Уламолар ташриф асносида ҳақдорларга ҳадялар улашдилар.

Жумладан, Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Самсарак» ва «Қўрғон» маҳаллаларида яшовчи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, беморлиги бор фуқароларга «Вақф» хайрия жамоат фонди томонидан ажратилган 2.500.000 сўм моддий ёрдамлар ҳамда бир неча китоблардан иборат совғалар жамланмаси топширилди. Кўнгиллари тоғдек кўтарилган аҳоли юртимиз равнақи, саховатпеша халқимиз фаровонлигини тилаб хайрли дуолар қилдилар.